



1393 йил булгорларнинг подшохи Иван Шишман ўз давлатининг пойтахти хисобланган Никополни усмонийларга бой берди. Кейинги йил эса, Рим папаси Бонифаций IX туркларга қарши салбчилар юришини эълон қилди. Европа мамлакатларининг коалицияси тахминан 16 минг кўшин йигди. Уларнинг ичида Венгрия, Франция ва Бургундиялар жуда фаол эди. Мазкур юришга Тевтон ва Госпиталерларнинг орденилари ҳам қўшилди. Ҳамда Венециан ва Генуэз республикаларининг кемалари ҳам иштирок этишди. Бу кўшинга 25 ёшлик Бургундия киролигининг валихад шахзодаси Жан де Невер бош қўмондон бўлди. 1396 йил 30 апрелда европаликларнинг кўшни Дижонни тарқ қилиб, кузга яқин булгорларнинг шимолий ҳудудларига етиб келди. Бу ердан улар Кустантания (Истанбул) сўнг Фаластин тарафга қараб юришни режа қилишди. Европаликлар сентябр ойида Никополисни қамал қилдилар. Шаҳарни мусулмонларнинг қучли гарнизони ҳимоя қилар эди. 25 сентябр куни салбчилар шаҳарга султон Боязид бошчилигида ёрдамга келаётган ва қучлар тахминан тенг бўлган кўшинга дуч қелишди. Венгерларнинг кироли Сигизмунд I Люксембург ҳужумга шошмаслик қераклигини, жосуслар ўз ишини битириб, маълумот йигиб қелиши қераклигини айтди. Аммо, ўзига қаттиқ ишониб юборган ва қайнаб турган бургундиялик шахзода Жан де Невер масалаҳатларга қулоқ солмасдан туркларга қарши ҳужумга қиришиб кетди. Франция ва Бургундия отликларига усмонийларнинг аввалги сафини ёриб ўтиб пийдагиларга қаттиқ зарба бериб, уларни тор-мор қилишди. Шунда ҳам қатта рицарларнинг гапларига қулоқ солмай ва рақибнинг асосий қучларини тор-мор қилдик деб ўйлаган Жаном де Невер бошчилигидаги ёш рицарлар ҳужумни давом эттирдилар. Тепаликка чиқиб олгач орқа-олдига қарамай тумтарақай бўлиб қочаётган мусулмонларни қўрамиз деб ўйлаган салбчилар мусулмонларнинг ўта қучли захирадаги кўшинларига дуч қелишди. Мусулмон кўшинларининг отлик аскарлари салбчи кўшинларининг маркази ва

канотларидан хужум килиб, уларнинг бутунлай тор-мор килиб ташлади. Ўз иттифокчиларига ёрдам бериш учун шошиб келаётган Сигизмунд кўшинларининг йўлини ортда қолган турк пийёдалари тўсиб чиқди. Венгриялик қирол эса қочиб қолди. Салбчиларнинг йўқотишлари жуда катта эди. Бутун бошли кўшиндан бир-икки минг аскаргина қочиб қутилди. Жангда ҳалок бўлмаганлар асир олинди, қатл қилинмаганлари қул қилиб сотилди, баъзилари эса ўз ҳаётларини катта эваз ўрнига сотиб олишди. Бу кўшин қўмондони бургундиялик манман валиахд шахзоданинг отаси герцог Филипп II ўз ўғли учун 200 минг дукат (700 килограмм олтин) тавон пулини тўлашга мажбур бўлди. Салбчиларнинг орзулари пучга айланиб, шармандалари чиқди...

Сўнгги сўз ўрнида:

Бирок, орадан бир неча йил ўтиб султон [Боязид билан Амир Темур ўртасида катта жанг бўлди](#). Боязид эса, енгилиб асирга тушди. Амир Темур уни ўзи билан 8 ой бирга қафасда олиб юрди. Ва шу 8 ой ичида султон ўз ҳарамдаги аёлларнинг Темур уюштирган базмларда хизмат ва бошқа ишларни қилиб юрганини кўрди. Бирок энг мудҳиши: Усмонли давлатининг Гарбга ташланажак қадами қесилди, Кустантания (Истанбул) фатҳи эллик йилга кечикди, Европа Ислом неъматидан бебаҳра қолди. Шунинг учун ҳам Европанинг ўша давр қироллари Амир Темурга олтиндан ҳайкал ясашган.

Интернетдаги манбалар асосида
Абу Муслим тайёрлади